

ВАТТЕ

Ва МИЖОЗ

ИСЛОХОТЛАР ОЛАМИДА

Юнусобод туманида ўтган «Ташаббус-2002» танловида «Imeqs» хусусий корхонасининг сифатли маҳсулотлари намойиши кенг ўрин эгаллади. Зеро сўнги урфдаги пальто ва плащлар, чиройли болалар кўйлаклари ўз бичимига кўра энг яхши гарб намуналаридан кам эмасди.

Шуниси қизиқки, унинг директори Ирина Чагина, ўттиз ёшида бир метрда фаолият кўрсатувчи хусусий ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этиб, қизиқarli муаллифлик моделларини тайёрлаётган бўлса-да, маълумоти ва на дизайнериди. Ирина бундан ўн йил олдин физик дипломига эга бўлган. Ушунда ихтисослигига кўра ўзини қизиқтирувчи иш топа олмаганлиги сабабли ёшларидан тикувчиликка меҳр қўйган Ирина ўз оилавий жамғармасини «тўлдириш» мақсадида шу соҳада фаолият кўрсата бошлади. Махоратининг охири бориши билан буюртмалар сони ҳам тобора кўпая бошлади. Тикувчилик иши технологиясини мустақил ўрганиб борган ҳолда у моданинг сўнги урфларидан келиб чиқиб энг янги бичимларни тўплаб, улардан фойдаланиб борди. Нихоят, ўзини хусусий тадбиркорлик соҳасида синаб кўришга қарор қилди.

Фирмани очганидан сўнг Ирина Чагина газетга уйда ишлайдиган тикувчилар ишга таклиф этилиши тўғрисида эълон берди ва хоҳловчилар кўпчилигини ҳатто хайратга тушириди. Юзлаб кўнгирак қилганлар орасида Янгийул, Чирчиқдан ҳам тикувчилар бор эди. Натижада сўбатлар ўтказиш, тикувчиларнинг махорати даражаси ва уйдаги техник воситаларнинг сифатини таҳлил қилишга тўри келди. Охири-оқибатда ўзини ҳамма томондан қониқтирувчи олти тикувчини ишга олди. Фирманинг ривожланишида ҳечда болалар кийимларини чиқариш билан шуғулланувчи «Imeqs»нинг 9 кишилик фаолият кўрсатадиган «Коинко корпорейшн» кўшма корхонаси билан ҳамкорлик муҳим ўрин тутмоқда. «Коинко» тикувчилик маҳсулотларининг Тошкент бозорларида сотилишига ҳам қўмақлашади.

Ривожланиш йўлидаги изланиш



қилиши. Моделлардан бири эса юқори модага тегишли эди. Бундай чиройли ишлар танловнинг «Энг чиройли ташқи кўриниши ва бичим учун» дипломи билан тақдирланди.

СУРАТДА: Ирина Чагина ва унинг хусусий корхонасида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар. Тоҳир Нигматуллин олган сурат.

КРЕДИТЛАР — ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

Корхона обрўсини сифат таъминлайди

Кредит манбаларидан фойдаланиш имконияти иқтисодиётнинг хусусий соҳаси ривожини учун муайян имкониятлар очди. Ва тадбиркорлар молиявий мадад олиш мақсадида тез-тез банкларга мурожаат қилмоқдалар. Шу ўринда ҳўш, кредитларни ўзлаштириш жараёни қандай кечмоқда, деган савол туғилади.

«Ромсервис» масъулияти чекланган жамиятини тўла асос билан «оёғида» мустақкам турувчи корхоналар қаторига киритиш мумкин. Кредит олиш пайтида ушбу жамоада бозор иқтисодиёти шартларида тўрт йиллик иш таърибаси, кўпбал патентланган муаллифлик ишлари, бир қатор таъбиқ этилган замонавий технологиялар мавжуд бўлиб, сифатли қурилиш материалари ишлаб чиқарувчи масъулияти корхона номига эга эди. Бирок кичик ва ўрта бизнеснинг ҳатто шундай ишончли корхоналари, банкларнинг виждонли миқдорларига ҳам кредит ажратиш масалалари кўтарилганда энгилликлар берилмайд.

— Корхона ҳужжатларини тайёрлашга оид барча зарур амалларни бажариши керак, — дейди Юнусобод туман товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раисининг ўринбо-

сари А.Галина. — Айниқса валюта кредитларини ажратувчи молия ташкилотларига жуда қатъий талаблар қўйилади. Албатта, зарурат туғилганда биз фирмаларга ёрдам кўрсатамиз, бироқ ҳаммаси халқаро андозалар талабларига мос бўлиши керак. «Ромсервис» МЧЖнинг бизнес-режаси аниқ ишлаб чиқилган ва ушбу корхона ишлаб чиқариши келгусида ривожлантириш учун «Асака» банки орқали 600 минг долларлик кредит олди. Бинобарин, энди олдинда нафақат ички, балки ташқи бозор учун ҳам бажариладиган ишлар турибди.

— Биз учун, — дейди «Ромсервис» МЧЖнинг бош директори Пётр Романов, — нафақат оддий, балки юқори сифатли қурилиш материалларини ишлаб чиқариш бoш масаладир. — Бизнинг йўлка плитчаларимиз мутахассислар томонидан ишлаб чиқилган махсус усулда тайёрланади. Битта плиткамиз си-

фатига зарар етмаган ҳолда 33 тонналик юкни кўтара олади. Бундан ташқари автомобилга ёниги қўйиш станциялари учун ҳам алоҳида йўлка плитчаларини ишлаб чиқарамиз. Ҳаммаси бўлиб эса уч турдаги плитчаларни чиқарамиз. Улардан асфальт ўрнида фойдаланиш таъмирлаш ва қурилиш ишларини амалга ошириш чоғида пулни ҳам, вақтни ҳам тежаш имконини беради. Махсус лифтингларни қўллаган ҳолда рангли плитчаларни ҳам тайёрлаёмиз. Яқинда улар ёрдамида устки реклама ни тайёрлаш учун муаллифлик ҳуқуқини берувчи гувоҳнома олди. Келажакда махсусотимиз рангларни кўламини ошириш режаларини бор. Шу мақсадда Навоий цемент заводи мутахассис-олимлари билан ишляёмиз. Бу йил сопол плитчалар чикиндиларидан сопол фрез ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Ушбу ангиллик фақат маҳаллий истеъмолчиларга йўналтирилган эмас. У россия хизматлари бозоридаги муҳим йўналишлардан бири сифатида тижорат банкларини ре-

етказиб берилади. Қуруқ шиббалаш усули билан тайёрланган пишиқ гишт намуналарини ҳам синавдан ўтказиб, сертификат олиш учун топширилди. Бу демак яқин келажакда «Ромсервис» МЧЖ томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар тури кўпаяди. — Олинган кредит ҳисобига, — сўзида давом этади Пётр Романов, — черепицанинг 10 хил турлари, девор блоклари, сугорчи лотоклари ишлаб чиқаришни йўлга қўямиз, йўлка ва манзарали плитчалар чиқаришни кенгайтираёмиз. Тез орада Италиядан асбоб-ускуналар келлади. Ўз фаолиятимизни кенгайтирган ҳолда иш ўринларини 25 тадан 40 тагача оширамиз. 4 та янги кичик цех ташкил этиамиз. Махсусотимиз хорижийки ўринни босувчи, экспортга йўналтирилган бўлиб, нафақат квадрат метр, балки хар бири йўлка плиткаси сифатини ва узоқ ишляини кафолатлаймиз. Кредит хусусида тўхталадиган бўлсак, уни муваффақиятли ўзлаштириб, фойда олганимиздан кейин, албатта, банк билан ўз вақтида тўла ҳажмда ҳисоб-китоб қиламиз.

Кичик бизнес кўп жиҳатдан мамлакат иқтисодий ўсиши суръатларини белгилайди, шу сабабдан тижорат банкларини томонидан тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган кўпбал чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, кичик ва ўрта бизнес корхоналари, яқна тадбиркорларга кичик кредитлар ажратишнинг ягона содда тартиби ишлаб чиқилган. Фақат ўтган йил ақунлари бўйича 27 миллиард сўмлик кичик кредитлар берилганини кўраёмиз. Кредит сўстатини амалга оширишда тижорат банкларининг муваққиллиги ошди. Бу эса тадбиркорларга бизнесни ривожлантириш учун ўз вақтида ва юқори фойзаларсиз кредитларни олиш,

банклар учун эса барқарор, молиявий жиҳатдан бақувват миқозни жалб этиш вазифини ҳал қилишга имкон туғдиради. Янги усулларнинг амалиётга таъбиқ этилиши кўрсаткичларга сезиларли даражада таъсир кўрсатди. Чўнончи, миллий ва хорижий валюталарга берилган кредитлар ҳажми кескин ошди: у 2002 йилнинг 1 январига 326,3 миллиард сўмга етди. 2001 йилнинг шу пайтида бу кўрсаткич 138,8 миллиард сўми ташкил этарди.

Кейинги вақтларда тижорат банкларининг сони кўпайди ва энди тижоратчилар

РЕЙТИНГ НАТИЖАЛАРИГА КўРА КИМ ОЛДИНДА?

Бу саволга «Ахбор-рейтинг» банклараро рейтинг компанияси жавоб беради

тинг баҳолари натижаларини келтириб ўтиш имконияти мумкин.

Агарда ўтган йил ақунлари бўйича алоҳида қатнашчилар ва турли хил гуруҳлар ҳолатини солиштирадиган бўлсак, ҳамон ўрта банклар ақуний рейтингини йирик ва кичик банклардан кўра ўсганлигини кўраёмиз. Йирик банклар орасида «Усанкурбанк», «Узуйжойжамгармабанк», «Пахтабанк» ва «Асака» банк ўз ақуний рейтингларини бошқаларидан кўра тезроқ яхшиламоқда. Ўрта банклар ўртасида рақобат кескинлигига қолмоқда. «УТ-банк» — бу гуруҳнинг янги етакчиси-

дир. «Ўзтадбиркорбанк», «Ҳамкорбанк», «Ўзприватбанк», «Алокабанк» ва «Авиабанк» ақуний рейтингда юқори ўсиш суръатларини сақлаб турибди. Хусусий «Бизнес-банк» ҳам кўрсаткичларини яхшилаб бормоқда.

Барча кўрсаткичлар бўйича яхши натижаларга эга «Карвонбанк» кичик банклар гуруҳида етакчилик қилмоқда. «Парвинбанк» ва «Алп Жамол банк»нинг кўрсаткичлари ҳам бу гуруҳда улар суръати жуда тез ошайтганидан далолат беради.

Рейтинг натижалари шуни кўрсатадики, «Пахтабанк», «Карвонбанк», «Алп Жамол банк» ва «Узуйжойжамгармабанк» бошқаруви ҳозирги кунда ўз фаолиятини рисолада-

га яқин ҳолда юритмоқда. Доимий рейтинг солиштируви ва банклар фаолияти натижаларининг чоп этилиши Ўзбекистон банк тизими ишини очик-ойдин кўрсатиш ва унинг халқаро молия бозорларига томон ҳаракатланишдаги фаол ўринни таъминловчи зарур омиллардан бири ҳисобланади. Шу сабабдан «Ахбор-рейтинг» компанияси барча тижорат банкларини, биринчи навбатда янги ташкил этилган, шу жумладан хорижий сарможага эга булганларини рейтингларда фол иштирок этишга чақиради.

ТРАНСПОРТ

Режа мuddатидан илгари

Тошкент метрополитени ҳаракат таркибидан унумли фойдаланишни таъминлаш мақсадида кенг қўламли техникавий тадбирлар амалга оширилмоқда. Иқтисослаштирилган депонинг бунёд этилиши ҳам айни мuddао бўлди.

Бундан икки йил аввал фойдаланишга топширилган мазкур депо ҳаракат таркибини таъмирлаш билан яқиндан шуғулланиб келмоқда. У метронинг «Ўзбекистон» ва «Чилонзор» саройлари буюртмаларини ҳам ўз вақтида адо этиб, поездлар қатновининг бир маромда бўлишини таъминлашга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Депода ҳозирча 10 та вагонни тубдан таъмирлаш ишлари олиб бориляпти. Бу борадаги иш ҳажминини кенгайтириш мақсадида депода қўшимча имкониятлар яратилди. Эндиликда бир йўла 16 та вагон тўлалигича таъмирланадиган бўлди.

Депода турли эҳтиёт қисмлар тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди. Бундан ташқари турли двигателлари, моторлар, компрессорлар ҳам сифатли соланаётди.

Ақбар АЛИЕВ

Тадқиқот самараси

Ўзбекистонда педагогика фанини янада ривожлантиришнинг илмий асосларини яратиш йўлида олиб бориладиган тадқиқотлар ўз самараларини бермоқда. Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти олимларининг бу борадаги изланишлари айниқса кенг қўламада амалга оширилмоқда. «Таълимни либераллаштириш жараёнида педагогика фани», «Ўқитувчи шахсига қўйилмаган замонавий педагогик талаблар», «Ўзбекистонда бадий таълим муаммолари», «Ўқув материалларини ташкил этишнинг психологик жиҳатлари» каби мавзуларда ўтказилган тадқиқотлар ҳам мумкин.

Бу ва шунга ўхшаш яна қатор изланишлар натижалари институтида уюштирилган «Ўзбекистонда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини ҳаётга таъбиқ этишнинг иккинчи босқичида педагогика фанининг вазифалари» деган республика конференциясида маълум қилинди.

Шу билан бирга шахсни ҳар томонлама ривожлантиришга йўналтирилган таълим тарбия тизимини яратиш билан боғлиқ илмий тавсиялар ишлаб чиқилди.

(Ўз мухбиримиз)

Ғайратли отахонлар

Республика «Нуроний» жағмараси марказий Кенгаши ва унинг Тошкент шаҳар бўлими ташаббуси билан пойтахтимизда Наврўз хашари ўтказилди. Унда «Нуроний» жағмарасининг барча туман бўлимларидан жами 20 нафарга яқин фахрийлар иштирок этди. Шу кунни улар «Чигатой» қабристонини худуд ва атрофларини тозалашди, йўллар четига мевали ва манзарали дарахт ниҳоллари, гуллар экилди. Республика «Нуроний» жағмараси марказий Кенгаши раиси Эркин Боктобоев бошчилигидаги хашар уюшқоқлик билан то қош қорайгунча давом этди. Хашар сўнгида эса нуронийларга дастурхон ёзилиб, ўтганлар хотираси ёдга олинди.

Шавкат КАХХОРОВ

МАҲАЛЛА — МУҚАДДАС МАСКАН

Юртбошимиз раҳнамолигида ҳукуматимиз фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимини янада тақомиллаштиришга катта эътибор бермоқда. Оила жамиятимизнинг таянчи, тарбия ўчоғи бўлса, маҳалла уларни ўйгунлаштирувчи муқаддас даргоҳдир. Шу боис маҳалланинг ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузини ошириш давр талабидир. Ана шундай файли, оқибатли масканлардан бири пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги «Бодомзор» маҳалласидир.

Маҳаллада аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ноқар қатламларини қўллаб-қувватлашга алоҳида аҳамият берилмоқда. Кам таъминланган оилалар, ёлғиз қариялар, ногиронлар, уруш ва меҳнат фахрийларининг ҳолидан хабар олиб, муҳтожларга қўмақ бериш аънаанага айланган. Ўтган йили ана шундай оилалардан 60 нафарига 300 минг сўм моддий ёрдам кўрсатилган. Шунингдек, кўп болали, боқувчиси йўқ 2 та оиланинг хар бирига 100 минг сўмдан мадад пули берилган. Бундан ташқари 5 та оиланинг газдан 80 минг, 20 та оила-

муаммолар бор. Уларни бартараф этиш учун фаоллар билан ҳамжиҳатликда иш олиб бориляпти. Байрамларни нишонлашга, кам таъминланганларни ижтимоий муҳофаза қилишга саховатпеша маҳалладошларимиз баҳоли-қудрат ёрдам бермоқдалар.

Юртбошимиз томонидан 2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили деб эълон қилиниши муносабати билан ҳамма ерда кексаларга бўлган ҳурмат-эътибор янада ортмоқда. Зеро, нуронийларимиз хонадонимиз кўрки, юртимиз чинорлари, сунянганин

Кексаларимиз қадрланди

нинг чиқинди ташлашдан 50 минг сўм қарзи маҳалла ҳисобидан тўланган. Ижтимоий ҳимояга муҳтожларнинг тўй ва маросимларига ҳам имконият даражасида ҳомийлик қилинмоқда.

Маҳаллада хар бир байрам олдидан тадбирлар белгилашиб, у фаоллар билан ҳамкорликда бекам кўст амалга оширилади. Наврўз, Хотин-қизлар, Хотира ва Қадрлаш, Халқаро болаларни ҳимоя қилиш, Мустақиллик ҳамда Ўқитувчилар ва мураббийлар кунларини маҳалладошлар билан камтарона нишонлаш одат тусига кирган. Тўкин дастурхон атрофига йиғилганлар бир пиёла чой устида шу файзли кунларга етказганига шукроналар айтиб, бир-бирлари билан дилдан сўхбатлашиб, дийдорлашиб оладилар.

Ана шундай тантана ҳамда маросимларини бош-қош бўлиб ўтказаятган Эминжон ака Маҳқамов, Мирҳабиб ака Мирхусанов, Жалол ака Файзиев, Баҳром Пўлатов, Аҳрор Абдуҷабборов, Ёқуб Сулаймонов, Абдурашид Ҳакимов, Мираҳмад Набиев, Хусан Тошпўлатов сингари фаолларнинг беинминат хизматидан маҳалладошлар мамнун бўлишяпти.

— Мамлакатимизда оилалар барқарорлиги, тинчлиги, тотувлигини таъминлаш, ёшлар тарбиясига, қарияларни эъзозлашга алоҳида эътибор берилаятганлиги ҳаммамизни хушнуд этмоқда. Шу боис хар бир оиланинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий ҳаётини ўрганиш, унинг аҳолидан хабардор бўлиш, уларнинг турмуш шароитини яхшилашга қўмақлашиш асосий вазифамиздир, — дейди маҳалла оқсоқоли Шукур Умаров. — Бизда ҳам

тоғимиздир. Уларни маънавий ва ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, иззат-ҳурматини жойига қўйиш хар биримизнинг фарзандлик бурчимиздир. Шу боис жонагон дийримизда қарияларга яхши қайғиёт улашиб, уларнинг кўнгиллари кўтариш, дуоларини олиш учун учрашувлар, давра сўхбатлари, мулоқотлар ўтказилмоқда.

Яқинда ана шундай ибратли тадбирлардан бири мазкур маҳаллада ҳам бўляпти ўти. Маҳалла идораси тўйхонадек безатилган, Байрам дастурхони турли хил пишириллар, гуллар билан тўла. Дошқозонда эса палов тайёрланган. Шодиёнада маҳалланинг кексаю ёшлари фаол иштирок этишди.

Кечани маҳалла оқсоқоли Шукур Умаров очиб, барчани Қарияларни қадрлаш йили билан чин дилдан муборакбод этгач, давра меҳмони Расул хожи Раҳмонов, меҳнат фахрийларидан Абдулаттоҳ хожи Йўлдошев, Болтошхўжа Қосимовлар Президентимизнинг ҳаётбахш фармонлари меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш таянчи эканлиги, кексаларимиз бор жойда файз, барака борлиги ҳақида мароқ билан сўзладилар. Даврага йиғилган қариялар мустақил республикамизда ҳукм сураётган оқсоқил ташлиқдан, юртбошимиз олиб бораётган сўбатидан мамнун бўлишиб, шу кунларга етказганига шукроналар айтиб дуо қилдилар. Шодиёнага ташриф буюрган санъаткорлар ўзларининг дилтортир қўшиқлари билан барчани хушнуд этишди. Шу кунги кеча бодомзорликлар ҳамда меҳмонларнинг дилида, тилида қолди.

Эркин ТўЛАГАНОВ, меҳнат фахрийси.

Туманимизни гулларга буркаймиз

Пойтахтимизни янада ободонлаштириб, энг озода шаҳарга айлантириш мақсадида хар бир туман, маҳалла, хонадонда кўтаринки қайфиятда ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан Чилонзор туманида ҳам бу борада бажарилаётган ишлар ибратга лойикдир.

— «Туманимизни шахримизнинг энг гўзал ва обод масканига айлантирамиз» деган яхши бир ният билан иш бошладик, — дейди туман ҳокимининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари Бахтиёр Сагаатов. — Халқимизнинг «Хашар — ҳаммага ярашар» ҳикмати замирида жуда катта маъно бор. Туманимиздаги 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган юрагида ўти, билангида гайрати бўлган кишилар ўтказилаётган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида ушқоқлик билан то қош қорайгунча давом этди. Хашар сўнгида эса нуронийларга дастурхон ёзилиб, ўтганлар хотираси ёдга олинди.

нинг хизматчилари, маҳаллаларнинг аҳолиси дарахтларга шакл бериш, атиргул кўчатларини ўтказиш, тева-рак-атрофни, хёнебун май-донларни тартибга келтириш, ариқ ва зовурларни тозалаш, чиқиндиларини вақтида олиб чиқиб кетиш ишларини олиб бормоқдалар.

Туманимиздаги 43 та маҳаллада хар бир кўча, хар бир хонадоннинг озода, саранжом-сарништа, кўкаламзор бўлишига эришишга ҳаракат қилинмоқда. Жумладан бу борада туман бўйича «Энг обод маҳалла» кўрик-танловини эълон қилдик. Фойдалар қимматбахо совғалар

билан тақдирланади. Халқимизнинг сеvimли Наврўз байрами кунларида тумандаги маҳаллаларнинг барчасида байрам дастурхонлари ёзилиб, меҳнат фахрийлари, уруш қатнашчилари, нуронийлар, кўп болали ва кам таъминланган оилалар, ногиронлар, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига меҳр-мурувват, саховат кўрсатишмоқда, уларга кийим-кечак, озиқ-овқат маҳсулотлари топширилмоқда.

Тумани айланар эканмиз кекса-ю ёш бир тан, бир жон бўлиб туман ободлиги ва кўркамлигига муносиб ҳисса қўшаётганлигини гувоҳи бўлдик. Улар ўз ҳудудларини саранжом-сарништалиб, ҳовлилар, кўп қаватли турар жой бинолар, йўллар, кўчаларнинг орасталигини таъминлашга ҳаракат қилишмоқда.

Шоира МУҲАМЕДОВА

Институтлар ҳамкорлиги

Энергетик эҳтиёжлар учун техник неғиз яратиш борасида амалга ошириладиган илмий изланишлар катта иқтисодий самаралар бермоқда. Ўзбекистон Фанлар академиясининг физика-техника институти олимларининг бу соҳадagi фаолияти янада кенгайиб бормоқда.

Илмий муассасанинг Ядро физикаси институти буюртмалари бўйича бажарган ишлари ҳам салмоқли бўлди. Юқори энергия ажратиш хусусидаги эга бўлган детекторлар намуналари ҳам институтга етказиб берилди. Бу хил қурилмалар тадқиқот ишларини амалга оширишда ядрофизика ёшларга жуда кўл келди.

Ядрофизикаси институтининг радиофармацевт корхонаси буюртмалари ҳам кўнгилдадек адо этиб келинмоқда. Айниқса, изотоплар ишлаб чиқариш линиясининг радиацион ҳимоялаш тизимини яратиш соҳасидаги изланиш муҳим аниқлик бўлди. Бу эса радио препарат корхонасида ишлаб чиқариш жараёнларини янада жадаллаштириш имконини беради.

Бу йил ҳам хар икки илмий муассаса ўртасидаги ҳамкорлик давом эттирилади, тадқиқотлар самардорлигига эришилади.

УЙҒОНИШНИНГ БОШЛАНИШИ

Эхтимол, одатий кунларда уйингда ё кўчага чиқиб «Наврўз» деб шивирласанг, хатто бор овозинг билан хайкирсанг ҳам қалбингда бирон ўзгариш сезмадсан. Аммо Бобо кўшининг тафти тегиб, музлар эриганда, ёрнинг юмшаганини хис этганинда, илк бор новдадаги яшил япроқчани ё йўл чеккасида, ангор бўйидами «лов» этиб ёнган долакигаздалокни кўганинда кимдир охистагина «Наврўз» деб кўйса, албатта, кўнглингда бир кўзголишни хис этасан. Узингни аллақандай сирли куй қилаб, ёғатган ёмгир шодалари орасида, оқ тулпорлар уюридай чопайётган булутлар қанотида хис этасан. Кураш майдонлари, кўпқари сурунларига кетади кўнглинг. Ва шунда Наврўзининг оддийгина кун эмас, уйғониш, уйғотиш қудратига эга бир қадрият эканлигини англайсан.

Хар ҳолда мен ўзим хар кўккам — Наврўз кунларида шундай туйғуларни қалбдан кечираман. Наврўзининг хар одати, хар урфида аздалан ҳам жони жаҳонимга туташ, аздалан ҳам семимли халқимни яна ҳам суюқли кўрсатадиган фазилатлар топавераман. Ва бу фазилатларга бино кўйишни, улар билан гурурланишни дунёдаги энг гўзал машғулот, деб биламан.

Эхтимол, яшиллик инар-инмас янчилиб, сувга кўшиб тонгача қайнатилган ширин таом кимлар учундир сумалак аталмиш таомдир. Аммо мен учун у Танграм ўзбек аёлининг сабр-бардоши, қаноати эвазига ҳада эт-

ган бетимсол бир тухфадир. Ахир, яна ким унингдек эзин майса ва сувни оловга кўйиб, «сумбулау сумбула» деб кўшиқ кўйлаб, кўллари оққушдай ёзиб, орзу сўқмоқларида рақс этиб, чирмандани юраги мисоли бармоқлари учига охиста охиста уриб, то тонгача тоқат билан бу умид, интилишларнинг емиша айланисини кутди? Менимча, фақат у.

Сабр-бардош ҳам, мардлик ҳам ниҳоятда залворли тушунча, кўзга, кўлга сиймайди. Лекин мен Наврўз шоданаларида бу тушунчаларни қафимда сийганим, бағримга босгим келади.

Ривоят қилишларича, қадим-қадимларда қийинчилик, ҳаёт машаққатлари бир

элнинг руҳиятини кўзи гуллардай сўлдирга бошлабди. Одамлар бир-бирларига ҳам, ўзларига ҳам ишонмай кўйишди. Меҳнатдан, гўзалликдан кўнгли совибди. Гуллар очилмай, қумрилар «ку-ку» ламай, анҳорлар оқмай кўйибди. Эл кўшиқ, куйни унутди.

Яхшиямки ривоятларда, эл бахтига бундай пайтда, қандайдир бир донишманд пайдо бўлади. Бу ривоятда ҳам шундай донишманд пайдо бўлибди. У юртдаги қайфиятдан қаттиқ ташвишга тушибди.

— Эй, табиат! — дея хитоб қилибди у. — Ахир бунақада бир қавм шу туришда чўкиб кетади-ку. Ер бағирлашининг оқибати нима бўлиши ўзинга аён.

— Эй одам! — деган овоз келибди ғойибдан. — Инсоннинг бор қудрати ўзида! Узини уйғот! Узига ишонтир, йўқса унга ҳеч ким, ҳеч қачон ёрдам бера олмайди!

— Менга изн бер!

— Ишонтириш имконини сента бердим!

Донишманд ўзига айтилган амрдан руҳланиб, энг баланд тепаликка чиқибди:

— Сен забун эмассан, бечора, беҳол эмассан! Кучлисан, қўнглингни қайга узатсанг, етади, — деб бор овози билан ҳайқира бошлабди.

Кимдир кипригини қоқиб кўйибди, кимдир шунгаём эринибди. Бу усули иш бермагач, ўзи хар бир одам ёнига бориб, тепадан айтган қорловини тақорлабди. Кимдир эшитибди, кимдир эшитишга ҳам ҳарфасла бўлмабди. Донишманд ўйга толибди, у хар қалай донишманд-да, йўлни топандай бўлибди.

Ўзи ҳаммага кўринадиган жойга чиқиб, кўшиқ кўйлабди, рақсга тушибди. Бармоқлари билан ер қавлабди, уруғ қадабди, булоқлар кўзини очибди, қирларда тулпор чоптирибди.

КЎНГИЛ ТУҒЁНЛАРИ

Унинг «урх»ларию давваткор кўшиқлари аста-секин одамларнинг қонини қиздира бошлабди. (Эшитилган кўрган яхши, деган нақд эхтимол ўша замонлардан қолганлир.) Кимдир унга тақлид қилибди, кимдир бошқачароқ қаромат ўйлаб топилди. Бўёғи шиддатли ўзгаришларга уланибди. Одамлардаги янгиликлардан қувонган табиат:

— Бу қандай шодлик, бу қандай кун? — дея сўрабди. Яратаётган ўз яратилшларидан қаноатланмаётган кишилар:

— Бу Наврўз! — деб жавоб беришибди.

Бу баҳор байрами тўғрисида бир ривоят. Аммо хар бир ривоятда жуда бўлмаса бир қалбнинг тафаккури тирик бўлади.

Балки, бизнинг Наврўзи оламга алоҳида эҳтиромимиз асосида ҳам ана шу ривоятларга бир эшлик бордир. Узоқ соғинчдан сўнг Озодлик фаслига — озол Наврўзларга етишмоқ саодатининг шодийи бордир...

Хар ҳолда биз бугун бинафша, чумчомаларни манглаймизга теккизиб тавоф қилмаймиз. Анҳор сувларида

ўсмали қошларимизни чамиз. Иссиқ нон орасига кўк сомсалар қўйиб кексаларни йўқлагани борамиз. Кўёш нуруларидай зар илдарда тикилган зарбоф туллар, зарқовуш, зар дўппиларда бир тилим тилалай бўлиб саломга чиққан янги келинчақларнинг саломини оламиз.

Гинадорларга тавалло айтамыз, «яраш ошини» деб, «Қаторимиздан кам бўлмайлик» дея дуога қўй очамиз. Мўйлаби сабза бўлган ўспирларимизга: «Ердан баланд юр», дея от миндирамиз. Дошқозонлар ёнида бир-биримизга елка бериб ўтириб, яхшидан-яхши ниятлар қиламиз. Бу — ҳаммаси Наврўзи олам қудратидан уйғонаётган кўнгли нақшлари, баландликлари, қалб кенгликдари.

Атиргул ханда бўлди, Ёмгир чирманда бўлди, Ошиқ гулшанда бўлди, Наврўзингиз муборак!

Тоғ-тошлар кўшланди, Кексалар ҳам ёшланди, Уйғонишлар бошланди, Наврўзингиз муборак. Кутлибма РАХИМБОЕВА

Шарқ дурдоналари



● Ақли киши баъзан шошадир, аммо шошилиб иш қилмайди сира.

● Истаган ишингизни қила олмаганингиздан кейин кўнглингиздан келадиган ишга қарши.

● Агар одам бир-бирига карама қарши бўлган икки ишга кўл урса улардан бири сўзсиз амалга ошмайди.

● Хеч бир ишни сабабсиз ва мақсадсиз қилма. Жамият фойдасига ўтмайдиган ишга кўл урма.

● Хикоят: бир неча хотинга уйланган узоқ бир юрт Султоннинг ҳамма аёлларидан фарзандлари бор экан. Лекин Султоннинг ўртанча хотини Садоқат ўз эрига жуда содик экан. Шунинг учун Султоннинг бу хотинга бўлган эътиқоди баланд экан. Уларнинг уч яшар ўғилчаси бўлиб у ҳам ақли, донолиги билан ўзгалардан ажралиб тураркан. Султоннинг бошқа хотинлари эса фақат эрининг ўлимини кутиб, унинг мол-мулкни талон-тарож қилиш пайида яшарканлар. Қора ниятли хотинлар Садоқатни ва унинг ўғилчасини жуда ёмон кўрар, шу тўғайли улар Султонга хийла ишлатиб Садоқатни ёмонлайвериб охири ниятларига етишибди. Султон хотинларининг сўзларига ишониб Садоқатни ўғли билан кўчага ҳайдаб чиқарибди. Хотини билан ўғли султондан шафқат тилашибди. Лекин у сўзидан қайтмабди. Охири улар йилга-йилга бу юртдан бош олиб чиқиб кетишибди.

Кувгин қилинганлар кўшни подшоҳ юртига ўтишганида навкарлар бу бегона аёл билан ўғилни ушлаб олампахо ҳузурига келтиришибди. Подшоҳ уларнинг арзларини тинглаб бандидан озод этиб, хонадонига хизматкор қилиб олибди. Садоқат подшоҳга софдиллик билан хизмат қилибди. Ниҳоят бу аёлнинг донолиги, тadbиркорлигини кўрган подшоҳ уни ўзига хотин, ўғлини эса фарзанд қилиб олибди. Бола ўғай ота паноҳида тарбияланиб, воёга етибди. Подшоҳ билан онаси вафотидан кейин уларнинг қабрига чироқ ёқибди. Пахлаван Баҳодирни халқ отасининг ўрнига подшоҳ қилиб кўтарибди.

Султон эса қариган унинг хотинлари, эркатой ва ноқобил ўғиллари мол-мулкни талон-тарож қилишибди. Парокандага учраган Султонни эса ўз юртидан қувгин қилишибди. Султон вафодир хотини Садоқат ва ўғли Баҳодирни излай-излай бегона юртларни дарбадар кезибди. Бир куни аъёнлар борзорда дарвешона юрган Султонни банди этиб шу юртнинг шаҳаншоҳи Баҳодирнинг ҳузурига келтирибди.

Подшоҳ Султоннинг сўзига ишониб уни бандидан озод этиб сарой мулозимлари сафида қолдирди. Подшоҳнинг марҳаматидан шодланган Султон хар куни унинг ҳузурига кириб умрига ва салтанатининг боқийлигига узундан-узук дуо қиларкан. Бир куни Султон Баҳодир ҳузурига кирганида унинг қулгоғида кичик бир чандиқа кўзи тушибди, унга узоқ тикилиб қолибди. Подшоҳ билан сўхбатлашиб унинг ўз ўғли Баҳодир эканлигига астойдил ишонибди. Кейин унга ётиги билан бутун воқеаларни рўй-роост айтиб берибди. Ниҳоят дард билан: «Ўғлим» дея унга кучоқ очганида, Баҳодир даргазаб навкарларини қачириб Султонни бу юртдан чиқариб юборишларини айтибди. Воқеадан хабардор бўлган вазирлардан бир киши унга:

— Улур шаҳаншоҳим, наҳот ўз отангизни юртингиздан ҳайдаб чиқарсангиз, — деганида подшоҳ: —Менинг отам ўлган, мен бу одамни танимайман. Агар менинг отам бўлганида онам билан мени ўз юртидан қувгин қилармиди, — деб жавоб берибди.

Сарой ахли турган ерида қотиб қолибди. Қилмиш-қидирмиш, экканингни ўрасан, деганлари шу бўлса керак-да.

● Бошга тушган оғирликка чидаш, уни яшириш — мардлик белгисидир.

Юсуф Хос Ҳожиб айтди: — Эзулик — ўнг, ёмонлик — чағдир. Ўнгида — жаннат, чағингда дўзах бордир. Саховат, одамгарчилик, халққа манфаат етказиш — эзгу кишилардан келади. Халоват, орзу, неъмат, қувонч, секин — бу эзгу кишилар муқофотиридир. Ёмон киши бугунги ҳаётида қанчалик роҳатда бўлса кейинги кунларида шунчалик машаққат кечади, пушаймон ейди. Тубанлик, пасткашлик, беҳудалик — барчаси ёмонлар қилиғидир. Машаққат, заҳмат, пушаймонлик билан йғи — ёмонлар муқофоти бўлади.

Байт: **Бу жаҳон — бир тоғ, кирдикоринг нидо, Сен нима айтсанг, уни айтар садо.**

● Гурур барчага хос ҳусусият: аммо фарқи шундаки, уни қачон ва қаерда кўрсатишни билиш керак.

● Тўхтамай гапириб, бирова кулоқ солмаслик мағрурлик белгиси.

● Бир киши Сукрот ҳакимга йўлиқиб ундан: «Сукрот ҳакимнинг уйи қаерда?» деб сўради. Сукрот ҳаким ўз уйини қайси кўчада эканини унга билдирди. У киши ўша кўчага келиб Сукротнинг уйини топди. Лекин ҳаким уйда йўқ эди. У бироз куттишга мажбур бўлди. Бир пайт Сукрот етиб келди. У киши Сукротни кўриб: — Ахир Сукрот ўзингиз экансиз, нега ўша ерда «Сукрот мен буламан» деб айтмай, уйингизни қайси кўчада эканини билдирдингиз, деб эътироз қилди. Сукрот унга: — Ахир сиз мени сўрамай, уйининг қаерда эканини сўрадингиз, мен ҳам саволинигизга мувофиқ жавоб бердим. Агар сиз «Мен Сукротни кўрмоқчи эдим, у кишини қаердан топишим мумкин», десангиз эди, мен ўзимни сизга таништирдим, деб жавоб берди.

Байт: **Эшитгил, хар као сўз бўлса беҳроқ, Қулоғингга уни халқа қилиб так.**

● Дано билан сўзлашганда кам гап бўл.

● Яхши гапириш учун етарли ақлга, сукрот сақлаш учун етарли мулоҳазага эга бўлмаслик бахтсизликдир.

● Яхши сўхбатдош бўлишининг фақат бир усули бор. Бу диққат билан тинглаб билишидир.

● Тинглашда биринчи, гапиришда эса охиригиси бўл.

● Агар жоҳиллигим намоян бўлмасин десанг, ўзгаларни эътибор билан тингла.

● Кисса: Мавлоно Сайфий Саройи «Гулистони ҳикмат»да ушбу ҳикматни ҳам айтиб ўтганлар. Бахитлардан бири айтмиш эканки, ҳеч ким ўзча ўз жоҳиллигига иқдор бўлмайди. Аммо ул одамнинг жоҳиллиги шунда маълум бўлиб қоладики, агар бир киши сўз бошласа унинг сўзи тамоом бўлмасдан туриб, сўзлай бошлайди.

Байт: **Оқиллар наздида сукрот сақлаш одобдур, Лек савол ташлаганда сўз демак ижобатдир.**

ДИЛЛАШУВ

Тошкент — ўз уйимдек қадрдон

Бугунги кунда шахримиз ҳусни тароватию чиройига мафтун бўлмаган киши бўлмаса керак. Наврўз айёмида юртимиз янада кўркам бўлиб, гўзаллашмоқда. Бир чиройига ўн чирой қўшилмоқда. Айниқса шахримизда истикомат қилаётган хорижлик меҳмонлар халқимизнинг меҳмондўстлиги, бағрикен, очик кўнглили эканидан қувониб, ҳавас қилмоқдалар.

Швейцариялик меҳмон Катя Даниела ҳам мана бир неча йилдирки шахримизда истикомат қилиб, пойтахтимиз унга ўз уйидек қадрдон бўлиб қолган Тошкентимиздан ажралгиси келмайди. У 1991 йилда Тошкентдаги хореография билим юртига ўзбек рақс санъатини ўрганиш мақсадида ўқишга кириб, у ерда устозлари Роза Каримова, Сайёра Тўраева, Насиба Малраҳимовалардан ўзбек миллий рақс санъати сирларини ўрганди. Биз байрам арафасида Катяхон билан дилдан сўхбатлашдик:

— Катяхон, сизда ўзбек миллий рақс санъатига қачон ва қай тариқа ҳавас уйғонган?

— Ёшлигимдан санъатга қизиқаман. Айниқса рақсга тушишни севаман. Болалик вақтларимда шахримизга гастролга Ўрта Осиёдан санъаткорлар бир неча бор ташриф буюриб, концертлар намойиш этишган. Шунда ўзбек, тожик, озарбайжон, уйғур рақслари мени мафтун қилганди. Бора-бора улар ичига ўзбек миллий рақслари мени ўзига оҳанрабодек торта бошлади. Ўзбек раққосаларининг жозибали санъатига ҳавасим келарди. Шунинг учун ўзбек миллий рақсини ўрганишга астойдил аҳд қилдим ва 17 ёшимда Тошкентга ўқишга келдим. Билим юртида рақс санъатини ўрганишимада кўп дўстларим, устозларим мента ёрдам беришди. Айниқса таниқли санъаткорлар Вилоят Оқилова, Флорида Низомитдинова, Қодир Мўминовлардан кўп нарсга ўргандим. Улардан жуда миннатдорман. Ҳозир «Тановор», «Муножот», «Қари наво», хоразмча сувова, бухороча, фарғонача рақсларни жуда севиб ижро этилман. Самарқандда ўтказилган «Шарқ тароналари» фестивалида шпирток этдим. Мен кўпроқ миллий фольклор дасталар ижросидаги рақсларни ёқтираман.



— Катяхон, бугун Наврўз айёмини нишонлаямиз. Бизнинг миллий байрамимизга муносабатингиз...

— Ўзбекистон жуда гўзал, обод ўлка. Мен Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятларидан бўлдим. Ўзбек халқи жуда меҳрибон, меҳмондўст, бағри кенг халқ эканлигининг гувоҳиман. Бу ерда жуда кўп дўстлар орттирдим. Ўзбек аёллари эса гўзал, пазанда, меҳнатсевар. Уларга ҳавасим келади. Мустақиллик, Наврўз байрамларида мен ҳам рақслар ижро этиб қатнашдим. Айниқса, Наврўз жуда қатта, қувончли байрам. Сумалак мента жуда ёқди. Мени кўпчилик байрамларга, ўзбек келинчақлари хонадонига таклиф қилишган. Ўзбек урф-одатлари қандай чиройли.

Мана, Тошкентга охириги марта келганимга ҳам бир йилдан ошди. Бу қадрдон шаҳардан кетгим келмайди. Мақсадим, рақс санъатини яна ҳам яхши ўрганиш, ўзбек санъатини бутун жаҳонга кўрсатиш.

Ҳа, ҳақиқатан швейцариялик меҳмонимиз Катяхоннинг дил сўзларини эшитиб, ўзбек рақс санъатига бунчалик ҳавас қўйгани, шахримизни она юртидек қадрдон билиб, ўз уйидек кўрганидан қувониб, фахланасак арзийди. Чунки жаннатмақон диёримиз Ўзбекистонга хорижликлар ҳавас билан қарашмоқда. Ҳа, илоҳий обод ва озол она юртимизга кўз тегмасин. Катяхон сингари эзгу ниятли дўстларимиз кўпайиб, ўзбек санъати довури яна ҳам ошиб борсин.

Дилором ИКРОМОВА СУРАТДА: Катя Даниела хоразмча рақс ижро этмоқда. Тоҳир Нигматуллин олган сурат.

ТАЪЛИМ

Видео ва аудио лавҳалари уйғунлигида

Мультимедиа дарслари... Бу ибора олий ўқув юртиларида бўлгани каби академик лицей ва касб-хунар коллежларида ҳам тез-тез тилга олинадиган бўлиб қолди. Замонавий технология махсули янглиғ юзага келган бундай дарсларда муайян мавзу доирасидаги аудио ва видео лавҳалар акс эттирилган машғулот намуналари ўқувчи ёшлар онига сингдирилади.

Ўзбекистон фан ва техника давлат қўмитаси саъй-ҳаракати билан яратилган қатор мультимедиа дастурлари «Миллий истиқлол Ҳожи»: асосий тушунча ва тамойиллар» фанини ўрганишда муҳим кўрғазмалар восита бўлиб хизмат қилмоқда.

«Ал-Фарғоний ва ал-Бухорий: цивилизациянинг яратилиши» мультимедиа дастури ҳам толиб илмларда қизиқиш уйғотмоқда.

Тошкент қурилиш ва Миллий унаормандчилик коллежидан орттирилган бой таъриба асосида эса мультимедиадан «Манъавият ва маърифат» дарсларида фойдаланиш методлари ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Миллий университети

Миллий университетнинг маданият саройида Қамолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомчилик ва дизайн институтининг IV курс талабаси Чоршанбе Шамсиевнинг «Сен барибир муқаддассан» деб номланган ижодий кўрғазми ўз ишчи бошлади. Наврўз байрамига бағишланган ушбу кўрғазмада ёш мусаввирнинг «Аёл портрети», «Севги изтиробиди», «Куттиш», «Сехри гул», «Фаришта», «Лайли образи», «Малика» каби бир қанча ижодий ишлари намойиш этилмоқдаки, бу бетакор асарлардаги гўзаллик, аёл нафосати,

КЎРГАЗМАЛАР

Сен барибир муқаддассан

қалб изтироблари юксак дид ва маҳорат билан тиник, ёрқин бўёқларда ишланганлиги ақлол кўзга ташланади. Кўрғазмага ташриф буюрганлар ёш рассом ижодига юксак баҳо бериб, самимий фикр-мулоҳазаларини билдирмоқдалар.


Орзуғул РУСТАМОВА

САНЪАТ

Муносиб тухфа

Халқимизнинг семимли фильм премьерасининг тақдироти ўтказилди. Тақдимот маросимидан катнашганларда яхши таассурот қолдирган ушбу фильм режиссёр Саидхамид Ботирхўжаев бошчилигида кино тасмага туширилган бўлса, фильм сценарийини ишонarli қиқшиши ёзувчи Шойим Бўтаев муносиб хисса қўшган. Уйлаймизки, ушбу фильм санъатсевар халқимизга муносиб тухфа бўлади.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ



Мирзо Улугбек туманида жойлашган 13-поликлиникада бир неча йиллардан буйн самарали феолият юритиб келаятган тахрибали шифокор Зумрад Назирова ҳамма ҳамшаҳарлар хизматда.

СУРАТДА: Зумрад Назирова жажжи болакайнинг соғлигини назорат қилмоқда.

Бир оғиз сўз

Инсон кўнгли гулдан нокида. Бир оғиз сўз билан кайфияти кўтарилиши, аксинча бир оғиз сўз ила кўнгли чўкиб кетиши мумкин. Яқинда бир оилада ўзим шохиди бўлган воқеа бунинг мисоли бўла олади. Фозилжон ишга шошилиб ўй остонасидан чиқаятганида хотини захрини соғиди.

— Иш ўлсин. Шошилганингиз шошилган. Хой, сиз ҳам бундоқ эркакларга ўхшаб рўзгорда нима бор йўқлигини суриштирасизми ўзи? Неча кундан бери уйда гўшт йўқ. Бир парча гўштни авайлаб-асраб бир ҳафтага етказдим. У ҳам бугун тамоом бўлди. Кечкурун қайтишимизда гўшт олиб келинг.

Зебохон шундай дея қўлдаги халтани эри томон улоқтирди. Фозилжон хайрат билан хотинига тикилди. Нима жин урди уни. Эрталабдан тўнини тескари кийиб олди. Шу дамда бирор аччиқ-курққ сўз айтиб узиб олгиси келсада тилини тийди. Ловиллаган керосинга сув сепса баттар авж олишини билди. Жавоб

ўрнига оёғи остида эркаланиб ўйюкляб юрган лайча итини жаҳл билан бир тегиб учуриб юбордида, индамай кўчага чиқди.

Йўлда ким билан учрашди, саломлашди, билмайди. Бир вақт ўзига келиб қараса ишхонаси йўлагига турди.

Хар доим хушқачқак юрадиган устанинг руҳияти паст-

уста. Охирида эранг-қаранг уйига қайтаркан бирдан хотини Зебохоннинг буртомасини эслади. Ҳаёл билан бўлиб бозор боришни ҳам унутибди. Орқага қайтай деса анча йўл. Бунинг устига кеч кириб қолган. Энди хотини яна тўтидек сайраса керак. Борей нима бўлса бўлди дедую ховлисига кириб бораверди. Фозилжон остона хатлаши

эди. Мана шунинг ўзи кифоя. Бир оғиз ширин сўз Фозилжоннинг кайфиятини бутунлай кўтариб орадаги гўборни тарқатиб юборди. Шу дамда унинг хотинига бўлган меҳри жуда-жуда тобланиб кетди.

Киссадан қандай хулоса чиқариш ўзингизга хавола азизлар!

бингга тикандек ботиши муқаррар. Набиралар билан байрамни қаршилаб қайтар эканмиз Амир Темур хиббонидан Пушкин кўчаси бўйлаб юрдик. Кўчанинги икки томонидаги уйлар байрамона тўз олган. Тептекис йўллардан машиналар қиналмай гўё ўқдек учиб боради. Кичкинтойларни сайр қилдириш бахонасида

бунингга тикандек ботиши муқаррар. Набиралар билан байрамни қаршилаб қайтар эканмиз Амир Темур хиббонидан Пушкин кўчаси бўйлаб юрдик. Кўчанинги икки томонидаги уйлар байрамона тўз олган. Тептекис йўллардан машиналар қиналмай гўё ўқдек учиб боради. Кичкинтойларни сайр қилдириш бахонасида

бунингга тикандек ботиши муқаррар. Набиралар билан байрамни қаршилаб қайтар эканмиз Амир Темур хиббонидан Пушкин кўчаси бўйлаб юрдик. Кўчанинги икки томонидаги уйлар байрамона тўз олган. Тептекис йўллардан машиналар қиналмай гўё ўқдек учиб боради. Кичкинтойларни сайр қилдириш бахонасида

Яхши ният ярим давлат

Баҳор насими дилларга шодлик олиб келган бугунги кунда бутун олам жаҳон кўзингизга яшайётган бир улкан бўстон сифатида кўринадди. Кунчи кеч қаршилаган Наврўз байрамимиздан кейин гўзал пойтахтимиз янада янаша, ёшариб кетди. Шундай шуқушли кунларда мусаффо табиатда, сокин заминда учраган заррача ноҳушлик ҳам беихтиёр қал-

бунингга тикандек ботиши муқаррар. Набиралар билан байрамни қаршилаб қайтар эканмиз Амир Темур хиббонидан Пушкин кўчаси бўйлаб юрдик. Кўчанинги икки томонидаги уйлар байрамона тўз олган. Тептекис йўллардан машиналар қиналмай гўё ўқдек учиб боради. Кичкинтойларни сайр қилдириш бахонасида

